

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ДУТОРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Юнусалиева Афруза

Фарғона давлат университети “Педагогика-психология ва санъатшунослик ”
факултети “Вокал ва чолғу ижрочилиги” кафедраси талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқ чолғулари орасида алоҳида ўрин тутадиган дутор созининг тарихи, тузилиши, ижро услублари ва унинг маънавий-маърифий аҳамияти таҳлил қилинади. Дуторнинг қадимги рисолалардаги қайдлари, ҳудудий ижрочилик мактаблари ва унинг халқ ҳаётидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, мақолада дутор орқали миллий қадриятлар, эстетик тарбия ва мусиқий дид шаклланиши каби масалалар ёритилган.

Калит сузлар: Дутор, халқ чолғулари, ўзбек мусиқаси, ижро услуги, миллий мерос, ҳудудий мактаблар, маънавий тарбия, эстетик дид, анъанавий мусиқа, чолғу созлари.

Аннотация: В статье рассматривается узбекский народный музыкальный инструмент дутор, его историческое происхождение, конструктивные особенности, исполнительские традиции и духовно-просветительская значимость. Особое внимание уделяется упоминаниям дустора в древних трактатах, региональным школам исполнения и его роли в культурной жизни народа. Также обсуждается влияние дустора на формирование национальных ценностей, эстетического вкуса и музыкального восприятия.

Ключевые слова: Дутор, народные инструменты, узбекская музыка, исполнительский стиль, национальное наследие, региональные школы, духовное воспитание, эстетический вкус, традиционная музыка, музыкальные инструменты.

Annotation: This article explores the Uzbek traditional musical instrument dutor, focusing on its historical development, structural characteristics, performance styles, and its spiritual and educational significance. Special attention is given to the references to the dutor in ancient treatises, regional performance schools, and its role in the cultural life of the people. The article also discusses how the dutor contributes to the preservation of national values, aesthetic education, and musical taste.

Keywords: Dutor, folk instruments, Uzbek music, performance style, national heritage, regional schools, spiritual education, aesthetic taste, traditional music, musical instruments.

Ўзбек халқ чолғулари ўзининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ҳар бир чолғу асбоби ўзига хос шаклланган бўлиб, мусиқанинг барча тармоқларига мос чолғу сифатида, асрлар оша ривожланиб келган.

Фаробий ўзининг “Катта мусиқа китоби”да, Сафиуддин Урмавийнинг мусиқий рисоласида, Абдулқодир Мароғийнинг “Жами ал-алхон фи-илм ал-мусиқий” рисоласида, Ахмадийнинг “Созлар мунозараси” номли асарида,

Зайнуллобиддин Хусайний “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” рисоласида, Амулий “Мусиқий рисола”ларида мусиқа чолғуларини ўрганиш билан бирга, уни тадқиқ этиш масалалари ҳам тўхталиб ўтганлар ва ўз даврларнинг мусиқий чолғулари ҳақида маълумотлар беришган.

Ҳар бир халқ ўз миллий мероси, анъаналарини миллий оҳанглар орқали тараннум этувчи ва халқнинг миллий маънавиятига хос яратилган амалий санъат намуналари воситасида уларга мос келувчи чолғу асбобларига эгадирлар. Ўзбек мусиқий чолғулар олами хусусида маънавий ва моддий нуқтаи назардан бой ҳамда ранг-баранг эканлигини эътироф этиб ўтиш лозимдир. Қолаверса, қайсики халқнинг маънавияти буюк бўлса, унинг тарихи ва унга мос мероси ҳам улкандир [1].

Ўзбек миллий мероси мусиқий чолғуларга бой ва уларнинг ҳар бири узоқ ўтмиш, таркибий ривожланиш ва техникавий такомиллашиш жараёнидан ўтганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади[2]. Ана шундай чолғуларидан бири – дутордир.

Дутор – ўзбек анъанавий чертим чолғу созларидан бири. Узоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айни пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳлар таркибидан жой олган. Анъанавий якканавоз чолғу сифатида шаклланган ва бугунги кунда етакчи чолғулар қаторига киради.

Дуторнинг тарихий шаклланиши узоқ ўтмишга бориб тақалса-да унинг бошқа чолғулардан алоҳида бўлиб ажралганлиги мусиқий рисолаларда XV асрдан бошлаб таърифланиб келади. Лекин “Фаробийнинг (IX аср) маълумотларига қараганда Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари билан замонавий дуторни эслатади” [3].

Дуторни ўз номини ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятлари билан илк бор XV асрда яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнуллобиддин ал-Хусайний ўзининг мусиқа илмига бағишланган “Рисолаи дар баёни қонуни ва амалий мусиқий” номи рисоласида баён этган. Унда иккита торли ва уларнинг оралиғи кварта интервалига мослиги, дастасига боғланган пардалари ўн биттани ташкил этувчи дутор чолғу асбоби таърифланади. Қайд этиш лозимки, рисолада тавсифланган чолғу ҳар томонлама замонавий дутор созига яқин бўлса-да, унинг шаклда бир оз фарқ борлиги кўзга ташланади. Чунки, рисолада тавсифланган дуторни косахонаси ҳозирги замон дуторидан оз бўлса-да каттароқ, дастаси эса қисқароқдир.

Дутор – икки торли чолғу асбоби бўлиб, одатга кўра, тут дарахтидан тайёрланади. Чолғу икки асосий қисмларга бўлинади. Жумладан, а) Косахона (резонатор); б) Даста. Чолғунинг косаси 10-12 та юпқа қовурғачаларнинг бири-бирига бирлаштириб ёпиштириш орқали ҳосил қилинади ва унинг устки қисм махсус қопқоқ билан қопланади. Чолғунинг косасида торлар илинадиган махсус мослама, яъни илгичлар ўрнатилади. Дуторнинг дастаси чолғу жуссасига қараб белгиланади. Унда 14-15 та пардалар мавжуд бўлиб, улар асосан ичакдан, бугунги

кунда эса жилка (сунъий ип)дан бойланади ва торлари ипакдан эшилиб тайёрланади. Анъанавий дутор пардалари диатоник товушқатор таркибида жойлашган бўлади. Дастанинг бошланиш қисмида эса, иккита махсус қулоқлар жойлашади. Қулоқлар ипларни тортиш ва чолғуни созлаш учун қўлланилади. Чолғуда овоз тараннумини соф ҳолда таралиши учун иккита харрак ўрнатилади.

Дутор ўзбек халқ чолғулари орасида ўзгарувчан хусусиятли чолғулар таркибига киради. Шу боис, бу тоифадаги чолғуларнинг созлари (торлари) ижро учун керакли парда (товуш)га созланиб олинади. Дутор ижрочилик амалиётида ижро этилаётган асарга қараб турлича, яъни кварта, квинта, ижрочилик амалиётида, анъанавий ижро услубида квинта сози кенг қўлланилади. Кварта – Тановор сози, унисон – қўштор, октава – Баёт сози номлари билан ҳам юритилади. Секунда ва терция интервали асосида созлаш замонавий жараёнда жуда кам қўлланилади. Дутор анъанавий чолғулар орасида турли ва ранг-баранг зарбларга бой, нафис ва назокатли, фалсафий овозга бой чолғу соз сифатида турли ёшдаги ижрочилар амалиётида кенг қўлланилиб келинади.

Ўзоқ ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётида муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айти пайтга келиб анъанавий ҳамда нота орқали ижро этиш услубига хос бўлган барча гуруҳлар таркибидан жой олди. Якканавоз чолғу сифатида шаклланди ва етакчи чолғулар қаторига кирди.

Ўзбекистонда дуторнинг халқ анъанавий ва ҳудудий ижрочилик услублари мавжуддир. Ҳудудий услубларга Фарғона-Тошкент ва Хоразм дутор ижрочилик мактаблари кириб, ҳар бири ўзининг воҳавий хусусиятларига эга. Хоразмда эса махсус дутор мақомлари ҳам шаклланган. Жумладан, Хоразм муסיқий тарихчаси китобида “Дутор мақомлари” деб келтирилган туркумларни кўришимиз мумкин. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, дутор сози мақом жанрида ҳам етакчилик қилиб келган.

Дутор сози ўтмишда асосан аёллар томонидан ижро этилган. Тарихий манбалардаги тасвирий санъат намуналарида хусусан, Камолиддин Бехзоднинг Алишер Навоий асарларига ишлаган миниатюраларида дутор чалаётган аёллар сиймосини учратиш мумкин [4, 1].

XIX аср охири XX аср бошларида дутор ижрочилик амалиётида эркак чолғучилар етакчилик қилган. Бунинг сабаби ўз даврида сарой созандалари жамоаси асосан эркакларни ташкил топганлигидадир.

Лекин XIX аср охирларига келиб, айрим рус сураткашлари томонидан олинган фото суратларида дуторчи аёлларни кўриш мумкин. Ана шу суратлардан бири Хива хонлигида 1896 йили Россиялик саёхатчи Волкинский томонидан олинган суратда беш қиз бир хонада ўтириб, қўлларида дутор, дойра, шеър битилган китоб ва гуллар ушлаб турганлари кўзга ташланади. Уларнинг уст-бошига қараб профессионал созанда эканлигини хулоса қилиш мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, дутор ижрочилиги профессионал даражада ривож топди. Диёримизнинг кўплаб шаҳарларида Қори Каромат, Абдулазиз Расулов, Абдусоат Вахобов, Қўзижон Мадрахимов, Хожи Абдурахмон

Умаров, Юсуф Алиев, Махмуд Юнусов, Давлат Охун Қодиров, Сайфуддин Йўлдошев, Зокиржон Обидов, Турғун Алиматов, Юнус Ражабий, Толибжон Содиқов, Ориф Қосимов каби халқ севган санъат усталари етишиб чиқди.

Бугунги кунда дутор чолғуси билан эркаклар билан тенг равишда аёллар ҳам шуғилланиб келмоқдалар. Ижрочилик амалиётида моҳирлик даражасига эришган халқ дуторчи созандалари доимо халқимиз эъзозиди бўлиб келганлар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаева О. Ансамбл чолғуларини ўрганиш. –Т.: 2006
2. Тошматова И. Анъанавий дутор. –Т.: 2008
3. Интернет сайт. Vikipediya
4. А.Навоий. “Ҳамса”, “Сабъаи сайёр”. –Т.: 2006. Б- 128, 160, 288. “Хайрат ул-аброҳ”. – Т.: 2006. Б- 1
5. 6. Nasritdinova, M., Nigora, M., & Murodova, D. (2022, February). UZBEK FOLK ART AND ITS PLACE IN PUBLIC LIFE. In Archive of Conferences (pp. 44-48).
6. 7. Murodova, D. (2021). Scientific And Theoretical Aspects of Musical Thinking. Zien Journal of Social Sciences and Humanities, 1(1), 196-199.
7. 8. Murodova, D. (2022). ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ЁШЛАРДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК БИЛИМ ВА КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ. Science and innovation, 1(B6), 702-707.
8. 9. Murodova, D. R. Q. (2023). BO 'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O 'QITUVCHILARINING BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH MAZMUNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(2), 644-649.
9. 10. Murodova, D. (2021). THE CONCEPT OF MUSICAL THINKING AND ITS STAGES OF DEVELOPMENT. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 9(05), 245-250.
10. 11. Durdona, M. (2021, May). ABOUT DUTOR AND HIS PERFORMANCE. In Archive of Conferences (Vol. 25, No. 1, pp. 29-31).
11. 12. Nasretidinova, M., Toshaliyev, D., & Murodova, D. R. Q. (2022). AN'ANAVIY IJROCHILIK SAN'ATINING HOZIRGI DAVR MUAMMOLARI. Scientific progress, 3(2), 846-850.
12. 13. Муродова, Д. (2023). БЎЛАЖАК МУСИҚА ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ БАДИИЙ-ЭСТЕТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯСИ. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Актуальные проблемы гуманитарных и социальных наук, 3(S/4), 434-438.
13. 14. Муродова, Д. (2023). FANLARARO HAMKORLIKDA BO 'LAJAK MUSIQA TA'LIMI O 'QITUVCHILARINING BADIY-ESTETIK KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI. Наука и инновация, 1(7), 137-140.